



Shahzod ISLOMOV^a

^a Deputy Director of the Imam Maturidi International
Scientific Research Center; PhD in History
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: ijodiy@gmail.com

УЛУҒБЕК ТАРИХИГА ОИД МУҲИМ МАНБА

Аннотация. Ушбу мақолада буюк олим ва давлат арбоби Султон Улугбекнинг ҳаёти, илмий мероси ва Самарқандда барпо этган таълим масканлари хусусида сўз юритилади. Хусусан, Самарқандда 1417–1420 йилларда қурилган Улугбек мадрасаси ҳақиқий академик марказ сифатида таърифланади. Улугбек мазкур мадрасанинг ҳар бир жиҳатини шахсан назорат қилган, муаллимлар танловига алоҳида эътибор қаратган. Шоир ва тарихчиларнинг асарларида у олиму фозил, адолатли ва илмпарвар подшоҳ сифатида тасвирланади. Мақолада Ғиёсиддин Жамиид Кошийнинг отасига ёзган мактуби ҳам таҳлил қилиниб, у орқали Улугбек давридаги илмий муҳит, олимлар ўртасидаги мунозаралар, расадхона қурилиши ва илм-фанга бўлган юксак эътибор ёритилади. Мактубдаги баъзи маълумотлар бошқа манбаларда учрамайдиган ноёб тарихий далиллар ҳисобланади. Шунингдек, Улугбек томонидан мадраса ва олимларни моддий рағбатлантириши тизими ҳақида батафсил маълумот берилади. Ушбу таҳлиллар орқали Улугбек фаолиятининг кўпқиррали жиҳатлари, унинг ислом оламидаги ўрни ва илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси чуқур ёритилади. Мақолада ислом цивилизацияси маркази нештоқига Улугбек мадрасасидан андоза олиш зарурлиги илмий асослаб, унинг тарихий ва маънавий аҳамиятини очиқ берилди.

Калит сўзлар: Улугбек мадрасаси, расадхона, Зижи Кўрагоний, Самарқанд, астрономия, Ислом цивилизацияси маркази, маданий мерос, Восифий, Самарқандий, Навоий, Бобур.

AN IMPORTANT SOURCE ON THE HISTORY OF ULUGH BEG

Abstract. This article explores the life, scientific legacy, and educational institutions established by the great scholar and statesman Sultan Ulugh Beg. In particular, the Ulugh Beg Madrasa, built in Samarkand between 1417 and 1420, is described as a true academic and scientific center. Ulugh Beg personally supervised every stage of its construction and paid great attention to the selection of teachers. Historical sources and literary works portray him as a knowledgeable, just, and science-loving ruler. The article also analyzes a letter written by Ghiyāth al-Dīn Jamsheed al-Kāshī to his father, providing rare and valuable insights into the scientific environment of Samarkand during Ulugh Beg's reign, scholarly debates, and the construction of the observatory. Some of the information found in the letter is not mentioned in other historical sources. Furthermore, the article provides detailed data on the financial support Ulugh Beg allocated for the madrasa, scholars, and students, including the number of beneficiaries and the total amount of funding. Through this analysis, the article reveals the multifaceted nature of Ulugh Beg's contributions and his prominent role in the development of Islamic science and education. It also supports the proposal to take inspiration from the Ulugh Beg Madrasa for the main facade of the Islamic Civilization, emphasizing its historical and spiritual significance.

Keywords: Ulugh Beg Madrasa, observatory, Zij-i Kuragoni, Samarkand, astronomy, Center of Islamic Civilization, cultural heritage, Wasifi, Samarqandi, Navai, Babur.

КИРИШ

Ўрта асрлар Шарқ тамаддуни тарихида юксак илм-фан ва маданият марказлари сифатида эътироф этилган юртлар орасида Мовароуннахрнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, XIV–XV асрлар – Темурийлар даврида ушбу ҳудудда илм-фан, маданият ва маърифат равнақ топиб, йирик олимлар, шоирлар ва санъаткорлар етишиб чиқди. Ана шундай буюк зотлардан бири – давлат арбоби, астроном, математик ва олим сифатида жаҳонга танилган Мирзо Муҳаммад Тарағай Улуғбек бўлиб, у ўзининг бекиёс илмий фаолияти билан нафақат Шарқ, балки бутун инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшган.

Улуғбек томонидан барпо этилган илмий муассасалар, хусусан, мадрасалар ва расадхона, нафақат диний, балки дунёвий фанлар ўқитиладиган, илмий изланишлар олиб бориладиган марказларга айланган. Ушбу масканлар ўз даврининг энг илғор илм-фан мактабларини шакллантирган, кўплаб етук олим ва тадқиқотчиларни вояга етказган. Айниқса, математика ва астрономия соҳаларидаги ютуқлар, мураккаб илмий масалаларнинг ҳал қилиниши, ўз даврида илгари сурилган назариялар бугунги кунда ҳам олимлар эътиборини тортмоқда.

Мазкур мақолада Улуғбек даврида шаклланган илмий муҳит, унинг илмга бўлган эътибори, илмий анъаналарни шакллантиришдаги роли ва таъсири ҳолис илмий манбалар асосида таҳлил қилинади. Бу орқали нафақат мазкур тарихий шахснинг фаолияти очиб берилди, балки ўша даврда Шарқ илм-фани қанчалик ривожланганини тасаввур қилиш имкони пайдо бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Тошкент шаҳрининг қадимий ва мўътабар маскани – Ҳастимом даҳасида барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази биноси билан танишиб, унинг асосий пештоғини қуришда Самарқанддаги Улуғбек мадрасасидан андоза олиш кераклиги ҳақида ғоят муҳим таклифни илгари сурди. Ушбу таклифнинг тарихий аҳамиятини англаш учун султон Улуғбек ҳаёти ва илмий меросини чуқур ўрганиш катта аҳамиятга эга. “(Улуғбек кўрагон) Самарқандда бир олий мадраса бино қилдиким, беағи, афзаллиги ва улуғворлиги жиҳатидан унга ўхшаши етти икклимда ҳам йўқдир”,

– деб ёзади тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий (Давлатшоҳ Самарқандий, 1981:148-149).

Биз одатда мадраса деганда диний таълим муассасасини тушунамиз. Бироқ 1417-1420 йилларда Улуғбек ташаббуси ва доимий эътиборида қад ростлаган ушбу таълим муассасаси бугунги кундаги ҳақиқий академия мақомидаги таълим ва илмий тадқиқот ўчоғи эди.

Улуғбек ушбу мадрасани шунчаки қурдирмаган, балки бу маскан унинг ҳаётида бекиёс аҳамиятга эга бўлган. Тарихчи Зайниддин Восифийга кўра, Улуғбек мадраса қурилишининг ҳар бир босқичини шахсан назорат қилиб борган, ҳатто мадраса биноси битгач, унга ким мудирлик қилиши, кимлар дарс бериши, мударрислар қандай билим ва малака талабларига эга бўлиши лозимлигига аниқ белгилаб берган (Восифий, 1979:18-19).

Улуғбекнинг ҳаёти, илмий фаолияти ва салтанат бошқарувини ўрганишда Ғиёсиддин Жамшид Коший (ваф. 1429), Фасих Ҳавофий (1375-1442), Абдураззоқ Самарқандий (1413-1482), Мирхонд (1433-1498), Давлатшоҳ Самарқандий (1435-1495), Алишер Навоий (1441-1501), Хондамир (1475-1534), Бобур (1483-1530), Зайниддин Восифий (1485-1566) ва Абу Тоҳирхожа каби тарихчиларнинг асарлари қимматли манбалар вазифасини бажаради (Боқирӣ М., 2006:41-87; Фасих Ҳавофӣ, 1980:235; Абдураззоқ Самарқандий, 2011:632; Давлатшоҳ Самарқандий, 1997:208; Абу Тоҳирхожа Самарқандий, 1991). Шунингдек, кейинги давр улуғбекшунослигида В.В.Бартольд, Қори Ниёзий, Б.Ахмедов, Д.Юсупова, А. Ахмедовларнинг илмий тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди (Бартольд В.В., 1918:160).

Алишер Навоий “Мажолис ан-нафоис” асарининг еттинчи мажлисида шундай ёзади: “Улуғбек Мирзо – донишманд подшоҳ эрди. Камолоти бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўб билур эрди. Андоққим, зиж битди ва расад боғлади ва ҳоло анинг зижи орода шоедур. Бовужуди бу камолот гоҳи назмга майл килур” (Алишер Навоий, 1997:166).

Тарихчи ва шоир Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират аш-шуаро” (“Шоирлар бўстони”) китобида Улуғбек ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Аммо олим, одил, ғолиб ва ҳимматли подшоҳ Улуғбек кўрагон юлдузлар илмида осмон қадар юксалиб борди, маоний илмида қилни қирқ ёрди. Унинг даврида олим ва фозиллар мартабаси ниҳоят баланд чўққига кўтарилди.

(Мирзо Улуғбек) хандаса илмида (ҳар қандай) чигалликларни ечгувчи, ҳайъат илмида Мажистийкушо эрди. Фозиллару ҳақимларнинг яқдил фикри шулки, исломият замонида, балки (Искандар) Зулқарнайн замонида шу дамгача Улуғбек кўрагондек олим ва подшоҳ салтанат тахтида ўлтирмаган. У риёзиёт (математика) илмини шу даража эгаллаган эрдик, замонасининг (улкан) олимлари, чунончи уламолар ва ҳақимлар фахри Қозизода Румий ҳамда Ғиёсиддин Жамшид билан биргаликда юлдузлар илмига расад боғлади. (Лекин) замонасининг бу икки улуғ олими расад охирига етмай туриб вафот этдилар ва султон (Улуғбек) бор ҳимматини бу ишни охирига етказмоққа сарф қилди. “Зижи Султоний”ни кашф этиб, уни ўз исми билан зийнатлади. Бугун бу зиж ҳақимлар наздида мўътабар ва амалдадур. Баъзи (олим)лар уни “Зижи Насири Элхоний”дан ортиқ кўрадилар” (Давлатшоҳ Самарқандий, 1981:148).

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида: “Улуғбек мирзонинг йирик иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичидаги мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гунбази жуда катта гунбаздир; оламда унчалик катта гунбаз йўқ, деб ҳисоблайдилар...

Яна бир юсак иморати Кўҳак тепалиги этакларидаги расадхонадирки, бу зиж битмак (астрономик жадвал тузиш)нинг масканидир. Уч қаватлидир. Улуғбек мирзо бу расадхонада “Зижи Кўрагоний” (“Кўрагоний астрономик жадвали”)ни тузгандирки, оламда ҳозир бу жадвал амалдадир” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур, 2008:56).

Улуғбекнинг устози Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг ўз отасига йўллаган хати Улуғбек даврида Самарқандда ҳукм сурган илмий-маънавий муҳит ҳақида ишончли ва батафсил маълумот берувчи тарихий манба ҳисобланади.

Муҳаммад Боқирининг фикрича, ушбу кўлёзма Улуғбек билан доимий мулоқотда бўлган, унинг илмий мажлисларида иштирок этган шахс томонидан ёзилган бирламчи манба экани билан ҳам қадрлидир (Боқирий М., 2006:41-87).

Кошийнинг биринчи хати Техроннинг Сипоҳсолор масжиди кутубхонасидан топилган бўлиб, 1940 йилда эронлик олим М.Табатабой томонидан нашр этилган. Кейинчалик инглиз, араб, турк, рус ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб, олимлар эътиборини ўзига жалб қилган. Мактуб академик Д.Юсупова томонидан 1979 йилда рус тилида, 1996 йилда ўзбек тилида, 2009 йилда лотин алифбосида чоп этилган.

Эронлик олим М.Боқирий кутилмаганда Техроннинг Мажлис кутубхонасида мактубнинг иккинчи нусхаси сақланаётганини аниқлади ва уни илмий муомалага киритди. Жамшид Кошийга тегишли мазкур иккинчи нусхасини ўзбек илмий жамоатчилигига нисбатан номаълум бўлган манбалар қаторига киритиш мумкин. Асарнинг ўзбек тилига таржимаси мавжуд эмас. Жамшид Кошийнинг отасига йўллаган мактуби Техрон нусхаси асосида таржима қилинди.

Мактубда Улуғбекнинг беқиёс илмий салоҳияти, илм-фанга эътибори ва ҳомийлиги, Самарқандда шаклланган математика ва астрономия илмий мактаблари, Улуғбек расадхонасининг қурилишига оид тарихий манбаларда учрамайдиган қимматли маълумотларни ўқиш мумкин. Таъкидлаш керак, ушбу мактубдаги баъзи маълумотлар унинг биринчи нусхасида ҳам учрайди.

«(Қуйидаги) мактуб ҳақимлар ва муҳандисларнинг¹ ббуюк ифтихори мавлоно Ғиёсул-милла вад-дин Жамшид Кошоний томонидан Кошон шахрига, ўз отасига салтанат пойтахти Самарқанддан у ерда расад² ишлари билан машғул бўлиб турган вақтида ёзилган», – дейилади мактуб аввалида.

Аллома отасига берган ваъдасига мувофиқ Самарқандда фақат астрономия илми билан машғул бўлгани, бор диққат-эътиборини ушбу фанга қаратаётганини таъкидлайди. Самарқандга илк марта келганида маҳаллий олимлар уни диққат билан кузатгани, турли саволлар сўраш орқали унинг математика ва астрономияга оид билимларини синондан ўтказганларини ёзади. “Бундан мақсад”, – дейди Ғиёсиддин Коший, – Улуғбек ҳузурида обрў ва мақомга эга бўлган олимлар салтанат пойтахтига таклиф этилган янги меҳмон ўзларидан билим ва тажриба жиҳатидан устун бўлиш ёки бўлмаслигини аниқлаш эди” (Боқирий М., 2006:42). Улуғбек олимлар ҳузурида ушбу фанларга оид турли муаммолар бўйича баҳслар ташкил этишни одат қилган ва баъзи масалаларнинг илмий муҳокамаси бир-икки ойлаб ҳам давом этган. Бундан маълум бўладики, Улуғбек даврида олим ва тадқиқотчилар учун барча шароитлар яратилган, Самарқандда илмий муҳит ўзининг юсак босқичига кўтарилган.

Улуғбек Самарқандда фаолият кўрсатаётган олим ва мударрислар, мадраса талабаларини

¹ Муҳандис – геометрия билан шуғулланувчи.

² Расад – осмон жисмлари ҳаракатларини кузатиш.

моддий кўллаб-қувватлаш учун 30 минг динор кепакий³ маблағ ажратган. Шундан 10 минг динор талабаларга йўналтирилган. Ушбу молиявий ёрдамни оловчи талабалар сони 10 минг нафардан ошиқни ташкил қилган ва уларнинг номлари махсус қайд этиб борилган.

Самарқандда 500 нафар талаба математика фани билан чуқур шуғулланган. Жамшид Коший ўз хатида Улуғбекнинг сўнгги 12 йил давомида математика билан доимий машғул эканини қайд этади. Улуғбек даврида математика фани Самарқанднинг 12 та жойида махсус ўқитилган. Самарқанддаги математика фанининг савияси ва даражаси Форс ҳамда Ироқ ерларидагидан мисли кўрилмаган даражада юқори бўлган. Шунингдек, бу ерда ҳисоб илми билан шуғулланувчи 24 нафар мустахриж бўлиб, уларнинг айримлари астрономиядан таълим олган. Хусусан, уларга Евклиднинг “Elementa” асари ўқитилган.

Жамшид Кошийга Улуғбек саройининг номаълум азимутли деворига микёс ўрнатиш вазифаси топширилади. Мақсад – қуёш соатини ўрнатиш орқали вақтни аниқ даражада билиш бўлган. Ушбу вазифа амалга оширилганидан сўнг Қозизода Румий бошчилигидаги саройнинг нуфузли олимлари тўпланиб, Жамшид Кошийнинг ечимини турли геометрик усуллар орқали текширганлар.

Кошийнинг ёзишча, Улуғбек унга алоҳида топшириқ берган. Топшириққа кўра, масжид меҳробидан думалоқ шаклга эга шундай тешик тешиш керак бўлганки, қиш ва ёзда қуёш нури шу тешик орқали бир муддат масжид хонақосига тушиб, аср намози бўлганини аниқ билдириши керак эди.

Улуғбек олимлар ҳамроҳлигида ҳафтада бир неча марта Самарқанд мадрасасига ташриф буюриб, дарс машғулотларини кузатишни одат қилган. У бўш вақт топилди дегунча илмий асарлар мутолаа қилишни хуш кўрган. Китобда кўтарилган масалаларни олимлар билан муҳокама қилган. Кошийнинг қайдига кўра, бир куни Улуғбек ўзи ўқиган китобда Абу Райҳон Берунийнинг “Қонуни

³ Мўғул ҳукмдори Кепакхон (1318-1326) номи билан аталадиган пул бирлиги. Кепакхон 1321 йилда Мовароуннаҳрда пул ислохотини ўтказган. У янги пул бирлиги – «кепакий»ни муомалага киритган. 1 динор кепакий икки мисқол қумуш ёки олти дирҳамга тенг бўлган. Ушбу тангалар Самарқанд, Бухоро, Балх шаҳарларида зарб қилинган.

Масъудий” китобига ҳавола келтирилганини кўриб, масала ечими мавҳум бўлган ва уни олимлар муҳокамасига ташлаган.

Улуғбек математикани шу даражада чуқур билганки, илмий муҳокамаларда унинг сўзини бўлишга ҳеч ким ҳадди сиғмаган. Улуғбек мадрасаси ўқитувчилари дарс машғулотларига тунлари билан тайёргарлик кўрганлар ҳамда минглаб усул ва воситалар ёрдамида дарсни олиб борганлар.

Жамшид Коший ўз мактубида Улуғбек мадрасасининг энг йирик уч нафар устозлари қаторида Қозизода Румий, Мавлоно Муҳаммад Хоний, Мавлоно Абулфатҳнинг номларини келтиради. Мавлоно Муҳаммад Хоний математика, астрономия ва бошқа фанларнинг билимдони, кучли хотира эгаси бўлган. Кошийнинг қайдига кўра, Мавлоно Муҳаммад Хоний Қозизода Румийга қадар Самарқандда энг юқори илмий мақомга эга бўлган ва илмий баҳсларда ҳеч ким Муҳаммад Хонийнинг олдида тушолмаган. Мавлоно Абулфатҳни эса Улуғбек Ҳиротдан Самарқандга олиб келган. У ислом ҳуқуқи ва астрономия фанларини чуқур билган.

Жамшид Кошийнинг мактубида куйидаги кизик иборани учратиш мумкин: “Сизга (ота) шу нарсани маълум қилмоқчиманки, мен бу соҳага кирганимда ҳамкасбларим ушбу фаннинг Ибн Синолари ҳисобланишарди” (Бокий М., 2006:42). Мазкур жумла шундан далолат қиладики, Улуғбек замонида бирор фанни мукаммал даражада ўзлаштирган одамни ўша соҳанинг Ибн Синоси деб аташ урф бўлган.

Мактубда Жамшид Коший ўзига Улуғбек номидан шундай юқори баҳо берадики, бир қарашда бундай баҳо ўқувчига нокамтарликдек туюлади. “Ҳазрат (Улуғбек), Аллоҳ таоло унинг мулки ва ҳукмронлигини қиёматга қадар абадий қилсин, мажлислар ва тадбирларда шуни такрор айтадилар: “Мавлоно Ғиёсиддиннинг иқтидори ушбу фанда Қозизоданинг иқтидоридан улуғдир. (Шунингдек) Унинг билими ва салоҳияти Қозизоданикидан юқоридир. Қозизода бир неча кунлаб ечадиган, баъзан ечимини хато топадиган қийин масалаларни Мавлоно Ғиёсиддин зудлик билан ечур”.

Ушбу ҳолат Улуғбекка яқин илмий доираларда кучли рақобат кечганидан далолат беради. Олимлар доим султондан мақтов эшитиш, унинг марҳаматига сазовор бўлишга иштиёқманд бўлганлар.

Кошийнинг ёзишича, Улуғбек обсерваториясининг дастлабки чизмалари Птоломей методига асосланган бўлиб, кейинчалик олимлар билан ўтказилган маслаҳатлардан сўнг Улуғбек Мароға обсерваторияси⁴ чизмаларига асосланган янги расадхона қуриш бўйича якуний тўхтамга келган. Улуғбек обсерваториясининг периметри Кошон ўлчов бирлигида 200 газни ташкил қилган. Дастлабки чизмалар бўйича расадхона жуда баланд бино бўлиши режалаштирилган. Бироқ Самарқанд ғиштлири ҳаддан зиёд юқори бинони кўтаролмаслиги эҳтимолидан унинг чизмаларига ўзгартириш киритилган. Бино томи текис ҳолатда бўлиб, унга кузатиш ишларини олиб бориш учун астрономик асбоб-ускуналар жойлаштириш режалаштирилган.

Улуғбекнинг илмий салоҳияти ҳақида тўхталиб, Коший қуйидагиларни ёзади: “У (Улуғбек) араб тили грамматикасини мукаммал билади ва (бу тилда) гўзал услубда ёзади. У арабий, форсий, туркий, мўғулий ва бироз хитой тилини ҳам билади. У Мусҳафи мажид (Қуръони карим) ни тўлиқ ёд билади. Қуръони карим тафсири ва ҳикоятларидан яхши хабардор. Шу даражада яхши биладики, сўзлаганида Қуръони каримдан яхшигина иқтибос келтира олади. Ўтган ҳодисаларни хотирасида кучли сақлаб қолади. Аруз ва қофия илмини бағоят яхши ўзлаштирган. Анварийнинг⁵ девонини тўлиқ ёд олган. Зоҳир Фарёбийнинг⁶ шеърларини ҳам билади. Баъзида ўзи ҳам Анварий услубида чиройли шеър ёзиб туради» (Боқирий М., 2006:43).

Кошийнинг қайд этишича, Улуғбек фавқулодда кучли хотира эгаси бўлган. “У (Улуғбек)нинг хотираси дунё мўъжизаларидан биридир”, – дейди Коший. Улуғбек Султония шаҳридаги ёшлик давридан бошлаб қаерда, қайси жойларда яшаганини ҳафтаси, кунигача аниқ айтиб берар, пешин намозини ўқиш учун қаерда тўхтаб ўтгани, тунлари қайси йўл билан юрганигача аниқ ёдида

сақлаган. Улуғбекнинг мулозимлари унинг тарихи ёзилган қайдномаларни олиб келиб, олимлар ҳузурида ўқиб берганларида барча воқеа-ҳодисалар Улуғбек айтиб бергани билан айнан ўхшаш бўлган. Олимлар Улуғбек хотиралари асосида қачон-қаерда бўлганларини билиб олганлар ва ўз кундаликларига қайд қилиб олганлар.

Кошийнинг ёзишича, Улуғбек математикада юксак маҳоратга эга бўлган. Бир кун икки овга чиққанида от устида 819 ҳижрий йилнинг (1416 й.) душанба кун икки ойнинг 10 ва 15 саналари орасида бир воқеанинг қачон бўлганини аниқламоқчи бўлган. У отда кета туриб, ўша кун икки куёш қайси градусда, қайси сонияда, қандай бурж остида бўлганини ҳисоблаб чиқади. Улуғбек ушбу ҳисоб-китобни амалга оширишни Жамшид Кошийга ҳам айтади. Бироқ Коший бундай шароитда хотирада ушбу мураккаб ҳисобни аниқлаш имконсиз эканини таъкидлайди. “Ҳеч шубҳасиз, мен учратган бирорта мунажжим бу ҳисобни зижсиз амалга оширолмайди”, – дейди Коший.

Бир кун икки Улуғбек «Тухфа»⁷ китобидаги муаммоли масалани ечади ва китоб муаллифига асосли эътирозларини билдиради. Жамшид Коший ушбу эътирозларни диққат билан ўрганиб чиқиб, Улуғбек аниқлаган ҳар бир ҳолат бўйича ўз далилларини олимлар ҳузурида исботлаб беради. Улуғбек ўзи муҳокама қилган илмий масалаларни 5-6 ой, ҳатто йиллар ўтса ҳам нозик жиҳатларигача ёдда сақлай олган.

Улуғбек астрономия ва математикага оид илмий янгиликлар ҳақида эшитишни ҳуш кўрган. Жаҳоннинг қайси мамлакатада ушбу фанларга оид кашфиётлар бўлса, уларни ўрганиб, фаолиятига татбиқ этишга иштиёқманд бўлган. Юсуф Ҳаллож исмли шахснинг ўғли Миср, Шом ўлкаларида бўлиб, астрономия бўйича янги ускуналарни Самарқандга келтиради. Жумладан, у “зарқала” номли астрономик жиҳозни Улуғбекка тақдим этади. Ўз навбатида султон ўз олимларига “зарқала”ни диққат билан ўрганиш бўйича топшириқ беради.

Улуғбек даврида математика фани ўз ичига шеърларнинг вазни ва аруз илмини ҳам қамраб олган. Жамшид Коший ўз мактубида ушбу йўналиш билан Самарқандга келибгина шуғуллана бошлаганини таъкидлайди.

⁷ «Тухфат аш-шоҳия фи-л-хайъа» (Астрономия илми бўйича шоҳона тухфа). Муаллифи – Қутбиддин Шерозий (1236-1311).

⁴ Мароға обсерваторияси – 1259 йилда мўғул ҳукмдори Хулағухон кўрсатмаси асосида Насириддин Тусий бошчилигида Эронда қурилган.

⁵ Анварий Обивардий (ваф. – 1190 й.) – салжукий ҳукмдор Султон Санжар саройининг машҳур хуросонлик шоири.

⁶ Зоҳир Фарёбий (ваф. – 1201 й.). Тўлиқ исми Зоҳируддин Абулфазл Тоҳир ибн Муҳаммад. Фарёб шаҳрида туғилган. Нишопур, Исфаҳон ва Табриз шаҳарларида яшаган. Табризда вафот этган. Турли фанларни яхши билган. Қасидалари машҳур бўлган.

Улуғбек тарихини ўрганиш яна шу жиҳати билан муҳимки, бу улуғ сиймо замонамиз ёшларига ибрат ва намуна бўлишга муносибдир. Шу жиҳатдан ҳам Султон Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий меросини тадқиқ этиш, улуғ бобомиз ҳақидаги тарихий манбаларни ҳалқимиз орасида оммалаштириш тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

ХУЛОСА

Юқорида баён этилган маълумотлардан келиб чиқиб, Улуғбек шахсияти, унинг илмий мероси ва Самарқандда барпо этилган мадраса ҳамда расадхона сингари буюк иншоотлар нафақат ўрта асрлардаги илм-фан тараққиётининг юксак намунаси, балки умуминсоний цивилизация тараққиётида ҳам муҳим ўрин тутди. Улуғбекнинг шахсий ташаббуси билан қурилган мадраса ҳақиқий академик марказга айланиб, юксак илмий муҳитни шакллантирган. Унинг атрофига тўпланган машҳур олимлар – Қозизода Румий, Жамшид Коший, Муҳаммад Хоний, Абулфатҳ каби мутафаккирлар замонасининг илғор илмий ғояларини амалиётга жорий қилганлар.

Ғиёсиддин Кошийнинг отасига йўллаган мактуби орқали Улуғбек давридаги илмий муҳит, олимларнинг мақоми, мадрасалардаги таълим жараёни ва расадхонада амалга оширилган аниқ фанларга оид фаолият ҳақида ноёб маълумотларга эга бўламиз. Ушбу мактуб – Улуғбек шахсияти ва у даврдаги илм-фан ривожига ҳақиқат ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган кўпгина жиҳатларни ёритувчи беназир тарихий ҳужжат ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, Президент Ш.Мирзиёев томонидан Ҳастимомда барпо этилаётган Ислом цивилизацияси маркази пештоқига Улуғбек мадрасаси меъморий услубини асос сифатида танлаш таклифи илмий, маънавий ва тарихий жиҳатдан ўта долзарб ва пухта асослангандир. Бу ташаббус Улуғбекнинг буюк меросини қайта қадрлаш, унинг номини абадийлаштириш ҳамда ёш авлод онгида илм-фанга бўлган муҳаббатни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мазкур кичик илмий изланишнинг амалий натижаси сифатида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси биносининг Улуғбек портали кириш қисмига Султон Улуғбек қаламига мансуб “Зижи Султоний” асарининг муқаддимасидаги

биринчи матн – Қуръони карим “Фурқон” сураси 61-оятининг битилиши илмий-мантикий асосга эга бўлди.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдураззоқ Самарқандий. (2011). Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти.
2. Алишер Навоий. (1997). Мажолис ун-нафоис. Ж. 13. Тошкент: O‘zbekiston нашриёти.
3. Абу Тоҳирхожа Самарқандий. (1991). Самария. Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти.
4. Ахмедов Б. (1994). Улуғбек. Тошкент: «Kamalak» нашриёти.
5. Ахмедов А. (2011). Улуғбек Муҳаммад Тарағай. Тошкент: «O‘zbekiston» нашриёти.
6. Бартольд, В.В. (1918). Улуғбек и его время. Петроград: Типография Российской Академии наук.
7. Бокий М. (1385). Аз Самарқанд бе Кошон. Номехое Ғиёсуддин Жамшид Кошоний бе падараш. Техрон: Шарикати интишороти илмий ва фарҳангий.
8. Давлатшоҳ Самарқандий. (1981). Шоирлар бўстони («Тазкират уш-шуаро»дан). Тошкент: «G‘afur G‘ulom» нашриёти.
9. Зайниддин Маҳмуд Восифий. (1979). Бадоеъул вақоеъ. Тошкент: «G‘afur G‘ulom» номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.
10. Захириддин Муҳаммад Бобур. (2008). Бобурнома. Тошкент: «O‘qituvchi» нашриёти.
11. Фасих Хавафи. (1980). Муджмал-и Фасихӣ. Тошкент: «Fan» нашриёти.
12. Ташмуҳаммад Ниязович Кары-Ниязов. (1947). Обсерватория Улугбека в свете новых данных. В сб.: Научная сессия АН УзССР. Тошкент: «Fan» нашриёти.
13. Юсупова Д.Ю. (1989). Письмо Гияс ад-Дина Каши к своему отцу из Самарканда в Кашан. В сб.: Из истории науки эпохи Улугбека. Тошкент.

REFERENCES

1. Abdurazzoq Samarqandiy. (2011). Matlai sa'dayn va majma'i bahrayn. Tashkent: «Uzbekistan» Publishing House.
2. Alisher Navoiy. (1997). Majolis un-nafois. Vol. 13. Tashkent: «Uzbekistan» Publishing House.
3. Abu Tohirkhoja Samarqandiy. (1991). Samariya. Tashkent: «Uzbekistan» Publishing House.
4. Akhmedov, B. (1994). Ulugbek. Tashkent: «Kamalak Publishing House.
5. Akhmedov, A. (2011). Ulughbek Muhammad Tarag'ay. Tashkent: «Uzbekistan» Publishing House.
6. Bartold, V.V. (1918). Ulugbek i ego vremya. Petrograd: Printing House of the Russian Academy of Sciences.

7. Boqiriy, M. (2006). *Az Samarqand be Koshon. Nomehaye Ghiyosuddin Jamshid Koshoniy be padarash.* Tehran: Scientific and Cultural Publishing Company.
8. Davlatshoh Samarqandiy. (1981). *Shoirlar bustoni («Tazkirat ush-shuaro»dan).* Tashkent: «Gʻafur Gʻulom» Publishing House.
9. Zayniddin Mahmud Vosifiy. (1979). *Badoye'ul voqo'e.* Tashkent: «Gʻafur Gʻulom» Literature and Art Publishing House.
10. Zahiriddin Muhammad Bobur. (2008). *Boburnoma.* Tashkent: «Oʻqituvchi» Publishing House.
11. Fasikh Khavafiy. (1980). *Mujmal-i Fasihiy.* Tashkent: «Fan» Publishing House.
12. Tashmuhammad Niyazovich Qori-Niyazov. (1947). *Observatoriya Ulugbeka v svete novykh dannykh.* In: Scientific Session of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR. Tashkent: «Fan» Publishing House.
13. Yusupova D.Yu. (1989). *Pismo Giyas ad-Dina Kashi k svoemu ottsu iz Samarkanda v Kashan.* In: From the History of Science in the Epoch of Ulugbek. Tashkent.

